



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**



**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА  
УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами  
(2025 йил 24 декабрь)*

**Тошкент – 2026**

**UDK:** 343.9:340.13

**ВВК:** 67.51

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий кенгашининг йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда электрон шаклда нашр этишга тавсия этилган.*

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг долзарб масалалари: **Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2025 йил 24 декабрь)**. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти. – Т., 2026 йил, 242 бет.

**Масъул муҳаррир:**

**Б.Э. Бердиалиев** – Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бошлиғи, ю.ф.ф.д (PhD), полковник.

**Тақризчилар:**

**Д.Ю. Пайзиев** – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

**У.И. Мирзатиллаев** – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Нашрга тайёрловчилар:**

**Х.Т. Одилқориев, А.П. Тураев, У.Ж. Чориев, М.А. Аълохонов, Б.Н. Нормуродов.**

Мазкур тўпламда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш масалалари ёритилган. Шунингдек, конференция материалларида соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Тўплам ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026

## ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Рихсимов Комрон Аброрович,

*Криминология тадқиқот институти  
илмий ходим-тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Озодликдан маҳрум қилиш жазоси, яъни қамоқ жазоси, инсоният тарихида узоқ ва мураккаб эволюцияни босиб ўтган. Қадимги даврларда асосан ҳарбий асрларни вақтинчалик сақлаб туриш ёки қарзларни ундириш учун қўлланилган бўлса, Ўрта асрларда черков ва ҳарбий эҳтиёжлар туфайли жазо шакли сифатида пайдо бўлган. XVIII-XIX асрларда Гуманитар реформалар ва саноатлаштириш таъсирида асосий жазо турларидан бирига айланган. Ушбу мақола жазонинг глобал тарихини, шу жумладан ғарб, ислом олами ва Марказий Осиё мисолларини кўриб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *қамоқ тизими, жазо, жиноят, маҳбус, ҳукм, зиндон, сургун, иш уйлари, исломий жазолар, Ғарб давлатлари, Ўрта Осиё, Темурийлар, Совет Иттифоқи, АҚШ, Ўзбекистон.*

**Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бу жазо тизимининг энг кўп қўлланиладиган шаклларида бири бўлиб, у жамиятнинг жиноятчиликка муносабатини акс эттиради.**

Қадимги даврларда қамоқхоналар жазони ижро этиш муассасаси сифатида эмас, балки ҳарбий асирларни вақтинчалик ушлаб туриш жойи сифатида пайдо бўлган. Мисол учун, Қадимги Миср ва Римда қамоқхоналар қарздорларни, ҳарбий асирларни ёки суд ҳукмини кутаётганларни сақлаш учун мўлжалланган. Жазолар асосан ўлим, жисмоний азоблар ёки сургундан иборат бўлган.

Ислом ҳуқуқида ҳам озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо тури сифатида қаралмасдан, жиноятлар учун шариат ҳукмлари қамчи уриш, ампутация ёки тошбўрон қилиш белгиланган. Қамоқ фақат судгача ёки жазони бажариш учун қўлланилган, узоқ муддатли қамоқ жазосини тайинлаш исломий уламолар томонидан маъқулланмаган.

Жумладан, Покистонлик Саъд ал-Ғомидий қамоқни умуман инсонпарварликка зид деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, ислом тарихида одамлар зиндонларда ўзига нисбатан чиқариладиган қози ҳукмини кутиш учун сақланган.

Қамоқ муддатини узайтиришни жинойий хатти-ҳаракатлар учун жазо сифатида бир неча асрлар аввал Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган, кейин эса Ғарб маданиятининг туфайли дунёнинг бошқа қисмларига тарқалганлигини [1] таъкидлайди.

Ўрта асрларда Европада қамоқ жазо сифатида черков ҳуқуқида пайдо бўлган. Черковларда қон тўкилиш тақиқлаганлиги сабабли, руҳонийларнинг ташаббуси билан жазолар қамоқхоналарда ижро этилиб, аста-секин озодликдан маҳрум қилиш жойлари пайдо бўла бошлаган. XIII асрда Италия, Франция ва Германияда қисқа муддатли қамоқлар кичик жинойятлар учун қўлланилган [2].

Ўрта Осиёда, Монгол империяси ва Темурийлар даврида қамоқхоналар ҳарбий ҳамда сиёсий маҳбусларни сақлаш учун ишлатилган, аммо жазолар жисмоний ва ўлим билан боғлиқ бўлган [3].

Қадимги ва ўрта аср манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, қамоқнинг жазо сифатида эмас, балки вақтинчалик сақлаш воситаси сифатида қўлланилгани жамиятлар ўртасидаги ҳуқуқий ва маданий фарқлардан келиб чиққан. Ислом ҳуқуқи, Шарқ цивилизацияси ва Ўрта Осиё амалиётида қамоқ узоқ муддатли жазо сифатида маъқулланмагани инсонни тўғридан-тўғри ислоҳ қилишга қаратилган шариат тамойилларининг устун бўлганлигини кўрсатади.

Бу тизимда жинойятга тезкор ва аниқ жавоб бериш, зарарни қоплаш ва жамиятдаги мувозанатни тиклаш устувор бўлган. Европа ичида эса черковнинг қон тўкишни чеклаши ва гуманистик ғояларнинг шаклланиши натижасида қамоқ аста-секин жазо турига айланган.

Бу фарқлар турли маданиятларнинг жинойятга муносабатини, жамият ва давлатнинг мақсадларини намоён қилади. Менинг фикримча, қамоқнинг тарихий эволюцияси – бу жамиятнинг жавобгарлик, адолат ва инсон қадрини қандай тушунишини ифода этувчи кўзгу бўлиб, унинг замонавий шакли турли маданий анъаналарнинг бирлашиши натижасида вужудга келган комплекс институтдир.

XVI асрдан бошлаб Европада қамоқ эволюцияси бошланган. Галера жазоси (*ҳарбий кемаларда мажбурий меҳнат*) Испания, Италия ва Францияда капитал жазоларнинг ўрнига қўлланилган, бу қамоқнинг биринчи шаклларида бири бўлган. XVII асрда Англия ва Нидерландияда иш уйлари (*workhouses*) пайдо бўлган, уларда кичик жиноят содир қилганлар мажбурий меҳнатга жалб этилган [4]. Бу тизимлар қамоқнинг реформатив мақсадини – жиноятчини ислоҳ қилишни таъкидлаган.

XVIII аср охирида Маърифатпарварлик ҳаракати (*Беккария, Бентам*) жисмоний жазоларнинг инсонпарварликка зидлигини танқид қилган. Англияда транспортация (*колонияларга сургун*) 1717 йилдан қўлланилган, бу ҳам қамоқ алтернативаси бўлган. АҚШда Инқилобдан кейин (*1780 йил*) биринчи давлат қамоқлари очилиб, Пенсилвания (*тўлиқ ажратилган ҳолда сақлаш*) ва Оберн (*кундузги жамоавий меҳнат қиладиган ва кечқурун эса камерада сақланадиган*) тизимлари яратилган [5].

Бу тизимлар реабилитацияни мақсад қилган, аммо кейинчалик изоляциянинг психологик зарарлари аниқланган.

Ислом оламида, Усманий империясида XVI-XXI асрларда қамоқ ҳуқуқий тажрибада кўпроқ қўлланилган, аммо шариат қонунлари устун бўлган. Марказий Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги билан Европа услубидаги қамоқлар киритилган [6].

Европада XVI–XVIII асрларда қамоқ тизимининг шаклланиши, иш уйлари, галера ишлари ва кейинчалик Пенсилвания ҳамда Оберн моделларининг пайдо бўлиши жиноятга муносабатнинг кескин ўзгарганини ва жазолашдан ислоҳ қилишга ўтиш бошланганлиги кўрсатади. Фикримча, бу эволюция шундай хулосага олиб келади, қамоқ институти ҳар доим муайян даврнинг иқтисодий эҳтиёжлари, мафкураси ва инсон қадрига муносабатидан келиб чиққан. Европа давлатлари индустриал жамият сари интилаётган бир вақтда меҳнатга асосланган жазо тизимини ривожлантирди, гуманистик ғоялар эса жазонинг моҳиятини қайта кўриб чиқишга туртки бўлди.

Шу билан бирга, Ислом олами ва Усманий империясида қамоқнинг секин-аста ҳуқуқий тизимга кириб бориши, Марказий Осиёда эса Россия таъсири билан Европа модели қабул қилиниши турли

цивилизацияларда яшайдиган жамиятлар жазо концепциясини ташқи таъсирлар орқали қабул қилганини намоён қилади.

XX асрда қамоқ тизимлари оммалашган, АҚШда 1970 йилдан бошлаб оммавий қамоқ пайдо бўлиб, унда 1970 йилда 200 минг нафар маҳбус сақланган бўлса, 2020 йилларда бу кўрсаткич 2,2 миллионга етган [7].

Совет Иттифоқида, шу жумладан Марказий Осиёда, ГУЛАГ тизими (1930-1950 йиллар) миллионлаб одамларни мажбурий меҳнат лагерларига жўнатган, бу сиёсий репрессияларнинг бир қисми бўлган. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин қамоқ тизимини реформалаштириш бошланган. Глобал миқёсда қамоқлар 1800-2014 йилларда жазо тизимининг асосий қисмига айланган.

XX аср тажрибаси шуни кўрсатадики, қамоқ тизими дунёнинг деярли барча мамлакатларида жиноятга қарши курашнинг асосий усулига айланган бўлса-да, унинг оммалашуви кўп ҳолда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига янада мураккаблаштириб юборган.

Менимча, АҚШдаги оммавий қамоқнинг кескин ўсиши – жиноятчиликка эмас, балки камбағаллик, ирқий тенгсизлик ва сиёсий қарорларнинг оқибати бўлган.

Совет давридаги ГУЛАГ эса қамоқнинг жазо ва тарбия эмас, балки сиёсий назорат воситасига айланиши қанчалик фожеавий оқибатлар келтириши мумкинлигини кўрсатиб берди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон мустақилликдан кейин қамоқ тизимини ислоҳ қилишга дастлабки қадарлар ташланиб, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси қабул қилинганлиги – жиноят-ҳуқуқ сиёсатининг инсонпарвар йўналишга ўтишида муҳим қадами бўлди десак муболаға бўлмайди.

### **Фойдаланилган манбалар рўйхати**

1. <https://journalofislamiclaw.com/current/article/view/zulfiqar2>.
2. [https://law.yale.edu/sites/default/files/documents/pdf/Faculty/Langbein\\_The\\_Historical\\_Origins\\_of\\_the\\_Sanction\\_of\\_Imprisonment.pdf](https://law.yale.edu/sites/default/files/documents/pdf/Faculty/Langbein_The_Historical_Origins_of_the_Sanction_of_Imprisonment.pdf).
3. <https://brill.com/display/book/edcoll/9789004386549/BP000022.xml?language=en&srsltid=AfmBOorUPkys35AwxuTTSBcgrTKjEaKwzD9m92RTHb2FACmsBYuzJ3BZ> www.howardleague.org.

4. <https://daily.jstor.org/the-invention-of-incarceration>.
5. <https://howardleague.org/history-of-the-penal-system>.
6. <https://networks.h-net.org/node/7801/reviews/8271/schull-peters-crime-and-punishment-islamic-law-theory-and-practice>.
7. <https://www.vera.org/reimagining-prison-web-report/american-history-race-and-prison>.

## МУНДАРИЖА:

Ш.У. Якубов – Парламент томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг устувор йўналишлари . . . . .	3
И.Т. Тультеев – К вопросу систематизации законодательства в области предупреждения преступности . . . . .	10
Х.Т. Одилқориев – Жиноятчилик профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари . . . . .	17
Ш.Н. Бердияров – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти . . . . .	22
Ж.М. Азамов – Янги таҳрирдаги Конституция асосида конституциявий қонунлар тизимини такомиллаштириш . . . . .	33
Ш.Ш. Ҳасанов – Хорижий давлатларнинг кибержиноятларга қарши курашни ташкил этиш ва бошқариш тажрибалари . . . . .	40
S.R. Risqiboyeva – Ayollar mehnat migratsiyasining sotsiologik sabablari va omillarining nazariy asoslari . . . . .	47
А.П. Тураев – Ҳуқуқни амалга ошириш: назарий-ҳуқуқий моҳияти ва юридик механизмларини такомиллаштириш . . . . .	56
М.А. А'лоxonov – Kriminologiyada ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishdagi muammolar . . . . .	60
Н. Одиллов – WWW (World Wide Web) дунёнинг янги ахборот майдони ва унинг тарихий йўли . . . . .	67
У.А. Ирисбеков – Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги товламачилик учун жавобгарлик белгиланган нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили . . . . .	74
С.А. Исаев – Незаконный оборот огнестрельного оружия: глобальные тенденции, региональные особенности и вызовы международной безопасности . . . . .	83
У.И. Мирзатиллаев – Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда асосий вазифалари . . . . .	95
К.А. Рихсимов – Озодликдан маҳрум қилиш институтининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиши . . . . .	99
А.С. Кодиркулов – Обеспечение безопасности и сохранение целостности медиа-пространства, перспективы и законодательство . . . . .	104

О.В. Ким – Нормативно-правовая ситуация в Узбекистане в области борьбы с наркоситуацией . . . . .	110
М.Ҳ. Абдирасулов – Ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими . . . . .	116
Ж.М. Мирахмедов – Босқинчилик жиноятларини олдини олишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар . . . . .	121
Н.У. Сайфуллаев – Жиноят процессуал қонунчилигида далилларни тўplash, текшириш ва баҳолашнинг ҳақиқатни аниқлашдаги ўрни хусусида . . .	131
Ш.К. Раимбердиев – Киберкоррупция: рақамли инқилоб шароитида янги коррупциявий ҳодисанинг назарий ва амалий таҳлили . . . . .	141
М.Х. Ахмеджанов – Оиладаги зўравонлик: тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва унинг олдини олиш механизмлари . . . . .	146
М.Т. О‘сарбойев – Аxborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashda huquqbuzarliklar profilaktikasi usullarining ahamiyati . . . . .	150
М.А. А‘loxonov – Zamonaviy kriminologiya: yangi yondashuvlar, nazariyalar va amaliy yo‘nalishlar . . . . .	155
М.А. Sattarov – О‘zgarlar mulkini talon-taroj qilish bilan bog‘liq jinoyatlarni fosh etish tushunchasi va tasnif . . . . .	162
Д.Ю. Пайзиев – Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг айрим масалалари . . . . .	171
Ш.Х. Юлдашев – Контрабанда жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари . . . . .	178
В.Н. Normurodov – Latent jinoyatlari ommalashuvining davlat va jamiyat rivojiga salbiy ta‘siri . . . . .	186
У.Ж. Чориев – Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: назарий-методологик таҳлил . . . . .	188
У.Х. Сайдалиев – Интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш . . . . .	201
А.А. Хамидов – “Ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларнинг тадрижий ривожланиши ва ретроспектив таҳлили . . . . .	210
Қ.А. Нурметов, А.П. Тураев – Маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштиришда ислохотлар стратегияси ва босқичлари . . . . .	224
И.Э. Тўраев – Интернет тармоғининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи ҳамда асосий тушунчалар . . . . .	233

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА  
УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами  
(2025 йил 24 декабрь)*

**Муҳаррир:**

Б.А. Яров – филология фанлари номзоди.

---

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти,  
100187, Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 243.